
АГЕНТЛИККА БОШЛИҚ ТАЙИНЛАНДИ

САРВАР МЕЛИЕВ ЁШЛАР ИШЛАРИ АГЕНТЛИГИ ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ БОШЛИҒИНИНГ ТЕГИШЛИ БУЙРУҒИ БИЛАН МАЗКУР АГЕНТЛИКНИНГ БУВАЙДА ТУМАНИ БЎЛИМИ БОШЛИҒИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ.

Туман ҳоқими Беҳзод Ибрагимов, агент-ликнинг вилоят бошқармаси бошлиғи Муҳамадамин Ғаниев иштирокида тумандаги Болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган учрашувда янги таъсис этилган бўлим бошлиғи туман фаоллари ва ёшларига расман таништирилди. Расмий таништирув маросими аввалида туман ҳоқими Беҳзод Ибрагимов туман ҳокимлиги, бошқа мутасадди ташкилотлар ва туман фаоллари билан ҳамкорликда мазкур янги ташкилотни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳамкорликда иш юритиб, бу орқали агентликнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришда яқиндан кўмаклашиш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шундан сўнг, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Муҳамадамин Ғаниев янги ташкил этилган Ёшлар ишлари агентлигининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва ваколатлари, агентлик ва унинг қуйи тизимлари ходимлари олдида турган келгусидаги долзарб вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Маълумот ўрнида, Ёшлар ишлари агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги Фармонига асосан ташкил қилинган бўлиб, ёшлар билан боғлиқ соҳаларда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш асосий вазифаси этиб белгиланган.

Ш. МАДРАҶИМОВА.

2020-09-25 12:31:01